

Тариф (ККС ва Махсус устама ҳақ билан)  
Сув 1 м<sup>3</sup> \_2 925\_сўм

007/3-сонли шартнома  
Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

«10» январь 2021 й.

Ушбу шартнома «Сирдарё сув таъминоти» МЧЖ Оқолтин туман бўлими, кейнинг ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Оқолтин туман бўлими бошлиги **П. Куракбаев**, шахсида, бир томондан ва Оқолтин туман Халқ таълими бўлими, кейнинг ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Низом асосида иш олиб борувчи мудир О.Гаймазаров, иккинчи томондан, куйидагилар ҳақида тузилди:

**I. Шартнома предмети**

1.1. 2021 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузиленган шартномага мувофиқ юридиқ ташкилотлари (бундан бўён матинда III гурух «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш йиллик чегарали 204 м<sup>3</sup> 596 700 сумлик, ойлик чегара 102 м<sup>3</sup> 298 350 сумлик ичимлик суви етказдириб беради, йиллик чегарали 102 м<sup>3</sup> 298 350 сумлик, ойлик чегара 408 м<sup>3</sup> 1 193 400 сумлик оқова сувларини қабул килиб олади.

Шу тарика шартноманинг умумий киймати 1 196 000 (бир млн бир юз тўксон олти минг) сўмни ташкил килди. 1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаша ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул килиб олиши мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санаасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафдар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июндан 194-сонли карори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари»га (кейинчалик матинда – Коидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган махсус устама ҳақи 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун \_\_\_\_\_ сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун \_\_\_\_\_ сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сув тизимиға уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

**II. Умумий коидалар**

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасаруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат берниш хукукига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўргасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гурух ва тоифали истеъмолчilariga мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартноманинг «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни хисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий хисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-даражатларни сугориш учун фойдаланилишига кўйидаги истисно ҳолатларда йўл кўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, майший эҳтиёж ва ёнгинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жарабёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни хисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланиди, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувни хисобга олиш приборини очиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш конунчилиқда белгиланган тартибида амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўтлаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибрин) хисоб-китоб асосида аникланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Хисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол килинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўтлаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаша учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагандан, хисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул килинмайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланиши «Истеъмолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиковчи хужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санаасидан катъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузиленган шартнома ўз кучини саклаб колади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан ётиборан тарифларни амалга ошириши шарт.

2.11. Лимитдан ортиқа сув истеъмоли килинган ҳолатларда, «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни кўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

2.12. Куйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўргасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиши юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармокка сувни чиқаришни узиб кўйувчи кириш қулфи. Кирish қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ичи ичимлик суви тизимишини бир қисми хисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимишининг ички қисми хисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуктасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи оқова кудуги (камераси) магистрал оқова тармоғига жойлашган бўлса, ушбу қудук «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланишилизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблагилари хисобидан амалга оширилади.

**III. Тараворларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**3.1. «Истеъмолчи» нинг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан конунчилиқда ва шартнома шартларida кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартноманинг бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартноманинг бир томонламида бекор килиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумтономани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётгандаги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

**3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Оқава тармоғига авария бўлган тақдирда ертёла хоналарини сув босишидан сакладиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сакланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истемолчига карашли санитария асбоблари, окава тармоклари, иншоот ва курилмаларда тамбанинг йўклиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истемолчининг окава тармокларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташки тармокларида авария (тиклиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб килиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошка ичимлик сув курилмаларидағи пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоклари, иншоотлари ва курилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибида жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик сувни таъминотининг ёнгинга карши тизимидан фойдаланиши тўхтатилганда «Истемолчи» 24 соат мобайнida «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чакириши;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

### **3.3. «Таъминотчи» нинг хукуклари:**

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истемолчини 7 кун аввал ёзма равишида огохлантирган ҳолда, қўйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул қилишини тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истемолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоклари, курилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қоникарсиз бўлгандана ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аникландиган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиши бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истемолчи томонидан бажарилмагандан;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истемолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоклари, курилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни хисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиши, пломбаларни ўрнатиш максадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув берини мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошка ишларни бажариши учун келганда истемолчи томонидан асоссиз равишида киритилмагандан;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истемолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоклари, қурилмалари режали-огохлантириш тарзида таъмирида ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истемолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истемолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармокларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аникландиганда;

д) «Истемолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўламаганда;

е) «Истемолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармокларига, курилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибида руҳсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибида уланиши рад этилганда;

ё) «Истемолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмагандан ва у оқизилаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя килмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қўйидаги ҳолатларда олдиндан ҳабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишига ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй бергандан;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнгин чиқкан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат тугилганда.

### **3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:**

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларни бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармокларининг техник ҳолатини мунтазам равишида назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истемолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқава тармоклари, иншоотлари ҳамда курилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланишини мунтазам равишида назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланиши ташкиллаштиришда истемолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истемолчилар томонидан сувни бехуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишида назорат қилиш;

3.4.6. Сув истемоли белгиланган месъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан ортирилувчи 10,0 коэффициентнинг кўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимига оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истемолчига пеня хисоблаш;

3.4.9. Истемолчиларнинг шартнома шартларига риоя этишмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотларни истемолчиларга белуп тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳакида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истемолчиларни хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқава сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиши ва узилишлар ҳакида истемолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огохлантириши.

### **IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслиқда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиқкан зарарни, «Истемолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истемолчи» қўйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жўмраги, гидрант ва бошка сув узатиш мосламаларидаги кисмларининг худудиди ва тасарруфида бўлган пломбаланган хисоблаш курилмаларининг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармокларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув хисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан курилган иншоотлар сабабли тармоклардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истемолчи» худудида жойлашган оқава тармогига ёмғир ва эринган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аникландиганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истемолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килади;

д) Конунчиликда ўрнатилган бошка ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» қўйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги месъирий-хукукий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва конунчиликда кўзда тутилган бошка ҳолларда;

б) «Истемолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиши учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) «Истемолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда коплаш;

г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

### **V. Сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби**

5.1. Ичимлик ва оқава сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг хисоби хисоблаш прибори мавжуд бўлганда, хисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ККСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. «Истемолчи» ичимлик ва оқава сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириг уч ойнинг ўртacha сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3. Тўловнинг шартномада белгиланганда кечикирилган ҳар бир куни учун истемолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳак тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни конун хужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармокларидан узib кўйиш йўли билан ундириши чораларини кўради.

Бундай холларда ёғингдан сақланиш ва санитария холатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилиди. Сув таъминоти ва окона сув чиқариш тизимидан илгари узib кўйилган холларда кайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий хисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

5.5. Окона тизимида келиб тушувчи окона сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган холларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорига окона сув тармоқлари хисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, окона сувларининг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахси автоном манбаси билан болгич бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий окона тизимидан бошқа окона ташлаш манбаларига эга бўлган холатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тушиб учун маҳсус табиии сув объексларидан маҳсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани кўшимча равиша тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, кудуқ, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда окона тизимида окона сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган наоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

## VII. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу хақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни хисобига олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объексларига янги эгаси зиммасига юкланди.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан куйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда:  $M$  – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – суюклик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вакт- 24 соат, секундларда.

**Кўйидаги ҳолатларда юкоридаги формула асосида хисобланади:**

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари ўйўк бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиқкан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг хисоб-китобини олиб бориши бўгинидаги кўйилган ҳимоя қопламига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганди;

6.3. Ичимликка окона сув тизимларига (жумладан ёғингдан сақланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаша ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узib ташланган кунга қадар хисобига олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу хақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармоқларга уланиши содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаша мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатда берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва окона сувни тармоқларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким карори ва кадастр хужжатлари ҳамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб қилишга ҳаклидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган окона сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат киливчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичидан акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечкитирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Окона тизимида рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш окона сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш окона сувларини қабул қилиш коидалари» ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг окона тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирувчи коэффицент миқдор тартибида хисобланади.

6.8. Окона сувни чиқариб юборишининг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган оқизишнинг ўйўк кўйиладиган чекланган миқдоридан ортиқча окона сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини хисоблаш ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизmlарини янада тасомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон карорига мувоғиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқарни окона сувларини қабул қилиш коидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг окона тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» окона тармоқларидан узib кўйилади.

6.11. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

## VIII. Низоларни ҳал этиши тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келишув йўли билан ҳал килинади.

Агарда иккى томонидан келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувоғиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда Конунчилликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч (форс мажор) холатлари (зилзила, сув тошкани, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек, ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон 3 кун ичida бошқа томонни форс-мажор холати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма рawiшда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилик қилса, томонлардан бири шартномани бекор килиш хукукига эга.

#### **IX. Шартноманинг амал қилиш муддати**

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузиленган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартнома, имзоланган кундан 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий хисобланади. Зарур холатларда шартнома узайтирилиши ҳам мумкин, бунда томонлардан бири шартноманинг амал килиши муддатини вактидан аввал тўхтатмаган, «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал «Таъминотчи»ни огохлантирган ва шу вактгача ичимлик сувини етказиб бериш ва канализация хизматлари ҳакини тўлик тўлаб қўйган бўлиши лозим.

#### **X. Тарафларнинг юридик манзили:**

##### **«ТАЪМИНОТЧИ»**

**Сирдарё вилояти “СУВТАЪМИНОТ “МҶЖ**

**Оқолтин туман бўлими**

**Манзили: Сардоба ш. Кўркам Диёр МФЙ**

**Гулистон кўча 1й.**

**тел: 67 243 13 58**

**x/r 22638000900134816418**

**АТИБ “Ипотека” банки Сирдарё филиали**

**МФО 00364 СТИР 200323842**

**ХХТУТ -90213**

**Рахбар\_\_\_\_\_П.Б.Куракбаев**

##### **«ИСТЕЪМОЛЧИ»**

**Оқолтин туман Халқ таълими бўлими**

**Манзил Оқолтин туман Кўркам диёр МФЙ**

**Курувчилар кўчаси 1-й**

**Тел: 67 236-05-32 ,**

**х-р 100022860242067096100075007**

**Банк Тошкент шаҳар Марказий банк**

**МФО 00014 СТИР 200 300 032**

**ХХТУТ-97600**

**Оқотин тумани Газначилик бўлинмаси**

(газначилик бўлинмаси номи)

**Рахбар**

**M. Ў**

**«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.**

**О.Гаймназаров**

(Ф.И.Ш. иизо)

**M. Ў.**

**«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.**